

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2014 йил 27 август, № 165 (6095) Чоршанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

*Ривожланган давлатлардаги кўзга кўринган клиникаларда бирор бир мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилса, қисқа фурсат ичида хорижий телеканаллар, ахборот агентликлари ва интернет сайтлари ушбу воқеани куннинг энг шов-шувли хабари сифатида тарқатади. Очиғини айтиш керак, бундан 15-20 йил олдин тиббиёт соҳасига оид кичик бир янгиликни эшитганимизда ҳам ҳайратга тушганмиз. Аммо бугун ўзимизнинг шифокорлар, ўзимизнинг замонавий шифохоналарда илгари тасаввуримизга сиғмаган ноёб операцияларни муваффақиятли уддалашмоқдаки, бундан чин дилдан ғурурланасан, истиқлолнинг қадрини, аҳамиятини янада теранроқ ҳис этасан киши. Ўз навбатида, энди бизни унча-мунчага ҳайратда қолдириш қийин-ов, деган хулосага ҳам борасан. Гапимизда асло муболаға йўқ.*



ФАХР

## «Ўзбек модели»нинг юксак самаралари

### мамлакатимиз тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда

Масалан, мамлакатимизда тиббиётнинг кардиология, урология, кўз микрохирургияси, педиатрия, акушерлик ва гинекология, эндокринология каби ўнлаб йўналишларида улкан ютуқлар қўлга киритилмоқдаки, буни дунёга машҳур мутахассислар ҳам тан олиб, эътироф этишаяпти. Мақоламиз давомида бу ҳақда батафсил тўхталамиз. Ҳозир “Хўш, Ўзбекистон тиббиёт соҳасида бундай марраларга ниманинг ҳисобидан ва қандай омиллар туфайли эришаяпти?” деган савол жавоби хусусида сўз юритсак. Чунки ҳеч бир нарса ўз-ўзидан юзага чиқиб қолмайди, албатта!



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Ислоҳотлар — инсон манфаатлари учун**

Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарини мутолаа қилар эканмиз, ўлкамизда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва бир ёқлама иқтисодий сиёсат 1990 йилга келиб барча соҳада ўзининг ҳалокатли таъсирини кенг миқёсда кўрсата бошлаганини жуда кўп ҳаётий далиллар орқали яққол тасаввур этамиз. Бу даврнинг оғир ва аянчли манзарасига баҳо берган давлатимиз раҳбари иқтисодий-ижтимоий жабҳада юзага келган танглик ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: *“...Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти*”.

Шунинг ўзиёқ собиқ Иттифоқ даврида халқимиз тақдирига нақадар беписанд муносабатда бўлинганини кўрсатади. Хусусан, пахта яккаҳокимлиги туфайли юртимизда экологик вазият кескин оғирлашган эди. Бунинг оқибатида қанча болалар майиб бўлгани, қанчаси бедаво дардларга мубтало бўлганини халқимиз яхши билади. Айтайлик, ўша пайтларда ғўза баргини тўкишда қўлланилган заҳарли кимёвий модда — бутифос аҳоли саломатлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатган. Лекин унинг олдини олиш, одамлар соғлиғини асраш ҳақида қайғурадиган киши бўлмаган. Тиббиётимиз эса, юқорида қайд этилганидек, ўзи мададга зор эди. Алмисоқдан қолган асбоб-ускуналар, дори-дармон етишмаслиги... Санаб адоғига етиб бўлмайдиган муаммолар қалашиб ётганди. Қисқаси, эл саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган ҳеч қандай механизм мавжуд эмасди.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

*Йигирма уч йилдирки, юксак марраларни забт этаяпмиз, ҳавас қилса арзигулик ютуқларга эришаяпмиз. Шак-шубҳасиз, бунинг замирида Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари мужассам.*

## Бебаҳо неъмат саодати

Биз ерни силаб, ундан барака сўраб, елкамизда кетмонни кўтариб юрган деҳқонлардан биримиз. Мустабид замонда ҳақсиз-ҳуқуқсиз, қаддимиз букилиб, ёшлигимиз эзилиб ўтди. Ўша кезларда ердан қор кетгандан қор тушгунча далада ишлаб, тер тўксакда, уйимизда ошиқча бир ҳовуч буғдойимиз бўлмаган. Бола-чақамизнинг тили пахтазорда чиққан, лекин анжирни кўрса “бу нима?” деб сўрагани ҳам бор гап. Ҳозир кўпчиликка, айниқса, ёшларга ғалати туюлар, лекин бу — ўтмиш ҳақиқати.

Истиқлол келди-ю, эгилган қаддимизни ердан кўтардик. Юртбошимиз юртимиздан қоронғиликни ҳайдади. Ёруғликнинг йўлини очди. Яратганга шукр, шундан буён барча орзу-ниятларимиз ушалиб бораяпти.

Ўтган асрда елкам яғир деҳқон эдим. Бугун бахти кулган фермерман. Хўжалигимизнинг ер майдони 134 гектардан ошиқроқ. Асосан, пахта ва ғалла, сабзавот етиштирамиз. Жамоамизда 35 киши меҳнат қилади.

Билсангиз, пахта яккаҳокимлиги пайтида мана шу ерларнинг “жони суғуриб” олинганди. Фаолият бошлабмизки, ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз. Юртбошимизнинг бу борадаги муҳим қарор ва кўрсатмалари мушкулимизни осон қилди. Кейинги уч-тўрт йилнинг ўзида бу мақсадга 180 миллион сўм маблағ йўналтирдик. Ариқ-зовурларни тартибга келтирдик. Янги сув насослари ёрдамида сув таъминотидаги муаммоларимиз ҳам ҳал бўлди. Кейинги уч йилнинг ўзида суғориладиган ерларимизнинг бонитети 60 дан 80 га кўтарилди. Ҳосилдорлик ҳам шунга яраша ошди. Пахта ҳосилдорлиги аввалги 28 дан 42 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 45 дан 75 центнерга етди.

Айтгандек, шунча йил ер билан “тиллашиб” орттирган билим ва тажрибаларимизни ёшларимизга ўргатишга ҳам интилаяпмиз. Шу бир-икки йил орасида хўжалигимизга 11 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилдик.

Энди бир олам қувончимдан сўз айтай. Куни кеча Президентимиз Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланди. Улар сафида истиқлол мулкдорлари — фермерларнинг кўплиги ажиб хушкайфият бахш этди. Биз бу эътиборни юксак ишонч ва масъулият, деб қабул қиламиз. Бундан буён ҳам юртимиз равнақи, элимиз фаровонлиги йўлида бор куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

**Эркин САЙДКАСИМОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Саид Эркин» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

АВГУСТ ОЙИДА ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР

*Бугун деҳқоннинг кўнгли ҳам, ўзи ҳам далада. Негаки, август ойи ғўза парваришида энг тиғиз, айни чоғда ҳосил тақдири ҳал бўладиган муҳим палла ҳисобланади.*

## Биологик усул — ишончли ҳимоя

Бу даврда агротехника тадбирлари кечиктирилса ёки ушбу жараёнда озгина эътиборсизлик қилинса, ҳосил бой бериб қўйилиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун барча қишлоқ меҳнаткашлари фермернинг ёнида туриб, уларнинг энг яқин кўмакчисига айланиши даркор. Айниқса, биз, энтомологлардан мавсум давомида ҳушёрликни сусайтирмаслик талаб этилади.

Кўп йиллик кузатишлардан маълумки, республикамизда август ойида ҳарорат нисбатан пасайиб, тунлари салқин тушади. Бу ҳол ҳосил кушандаси ҳисобланган кўсак қурти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қорашира каби зараркунандаларнинг кўпайиши учун қулай шароитни юзага келтиради. Агар бу пайтда назорат бўшаштириб юборилса, зарарли ҳашаротларга қарши вақтида курашилмаса, 30 фоизгача ҳосил йўқотилиши, катта даромад кутаётган деҳқон панд еб қолиши мумкин.

Тажрибали деҳқонлар билан ғўза зараркунандаларига қарши курашиш ҳақида суҳбатлашсангиз, “Ҳашаротнинг кушандаси ҳашарот-да”, дейишади. Чиндан ҳам, биологик усул анча самарали бўлиб, атроф-муҳитга зарарсиз ва кимёвий усулга нисбатан арзон. Шу боис юртимизда ушбу усул кенг қўлланилаяпти.

Ҳозирги кунда туманимизда 12 та биолаборатория фаолият кўрсатмоқда. Ходимларнинг асосий эътибори деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилаётган ҳосилни сақлаб қолишга қаратилган. Хусусан, бизнинг жамоамиз жорий мавсумда 20 та фермер хўжалиги билан тузилган шартномага мувофиқ, 1000 гектардан ортиқ майдонда ғўза ҳашаротларига қарши ўз вақтида ишлов бераяпти.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари БМТ Бош ассамблеясининг расмий ҳужжатида ўз ифодасини топди

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Бош ассамблея 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан эришилган натижалар тўғрисидаги ахборот тарқатилди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

БМТнинг олтита расмий тилида (араб, инглиз, испан, рус, француз, хитой) тарқатилган мазкур ахборот материали бир неча бўлимдан иборат бўлиб, улар мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, суд ислоҳотлари, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, ўлим жазосининг бекор қилиниши, адвокатлик институтини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ҳамда бошқа мавзуларни қамраб олди.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақида сўз юритилар экан, ушбу материалда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сургани таъкидланади.

Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш имконини беради. Умуман олганда, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари барча истиқболли йўналишларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат жамият ва давлат тузилмасини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг натижаси, балки унинг кафолати сифатида хизмат қилиб, амалда мамлакатнинг “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида олға ҳаракатланишини таъминлайди.

Ахборот материалида қайд этилишича, Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсадлари суд-ҳуқуқ тизимининг моҳиятини ўзгартириш, уни инсон ҳуқуқларини самарали таъминлашнинг асосий кафолатига айлантириш ҳамда суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш ҳисобланади.

Ишларнинг судларда кўриб чиқилиши сифатини яхшилаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, уларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви мустаҳкамланди, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий қилинди.

2008 йил 1 январдан эътиборан “Хабеас корпус” институтининг жорий қилиниши, яъни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши натижасида судларнинг фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2014 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.




## Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш — долзарб вазифа

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат яқинда биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.

# Ўзбекистон суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари БМТ Бош ассамблеясининг расмий ҳужжатида ўз ифодасини топди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жиноят иши қўзғатиш, иш юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттиришни судлар ваколатидан чиқарилишини назарда тутувчи ўзгартишлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилиб, бу судларнинг холислигини, бетарафлигини таъминлаш, жиноят процессида тортишув принципининг кучайишига хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда қуйидагиларга эришилди:

— оғир жиноятлар таснифи камайтирилиб, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди;

— содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар жорий этилди; иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. 2013 йили озодликдан маҳрум қилинган шахслар сони 2000 йил билан солиштирганда, икки маротабадан зиёдга камайди. Хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан сўнг 412 миллиард сўмлик зарарни қоплаган 26000 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланди.

Мамлакатда ярашув институти жорий этилганидан буён 138 минг 527 та иш бўйича 150 минг 346 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилди. Бугун Ўзбекистонда 60 турдаги жиноятлар бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд. Амнистия актини қўллаш судлар ваколатига берилган.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ республикада амнистия актини эълон қилиш тартиби жорий қилинган. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80 ва 93-моддаларига биноан, амнистия ҳақида акт қабул қилиниб, унинг асносида жазодан озод қилиш, маҳкумларнинг озодликка чиқиши ва уларнинг ўз оилалари бағрига қайтиши билан бир қаторда, амнистия қилинганларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш шарт-шароитларини яхшилашга ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш юзасидан ҳам ишлар амалга оширилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда 24 маротаба амнистия эълон қилинди.

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилиниши жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари, олий жазо — умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазо тури фақатгина икки турдаги жиноятлар — терроризм ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун тайинланадики, ушбу ҳолатлар бўйича муқобил, унча оғир бўлмаган жазо турлари ҳам қўлланилиши мумкин.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга йўналтирилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳаётга татбиқ этилишида адвокатура институтини мустаҳкамлаш муҳим устуворлик ҳисобланади.

Ушбу институтни янада такомиллаштириш мақсадида 2008 йил 1 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу Фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, уни малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг нуфузини ошириш ҳамда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси тузилди, 2008 йил 31 декабрда "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Шунингдек, 2009 йил сентябрида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонунига биноан, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши ҳақидаги муҳим меъёр мустаҳкамлаб қўйилди. Ўрнатилган бундай тартиб суд ишида юриспруденция соҳасидаги махсус билимлардан бехабар шахсларнинг иштирокига йўл қўймаслик ва фуқароларга кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам сифатини оширишга йўналтирилган.

Суд қарорларининг қатъий бажарилиши одил судлов фаолиятининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида суд қарорларининг мажбурий ижро этилиши самарадорлигини ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилиши соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, суд қарорлари ижро этилмаслиги ва уларнинг бажарилишига тўсқинлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Хусусан, 2009 йил 14 январда қабул қилинган "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни суд қарорлари ижроси соҳасида жавобгарлик чораларини кучайтириш, огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишнинг самарали тизимини яратиш, Суд қарорлари ижроси департаменти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда суд ижрочиларининг мавқеини ошириш имконини берди.

БМТ Бош ассамблеяси ҳужжатининг хулоса қисмида қайд этилганидек, демократлаштириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар фуқаролар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимояси янада самарали таъминланишига, адвокатура ролини оширишга, жамиятдаги янгиланишлар ва умуман, мамлакатда ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштиришга кўмаклашди.

**«Жаҳон» АА.**

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олганига яқинда 23 йил тўлади. Бу айни навқиронлик палласи. Шундан бўлса керак, бугун истиқлол тенгдошлари, умуман, юртимиз ёшлари кўплаб муваффақиятларга эришмоқда, илғор ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида астойдил изланмоқдалар. Агар мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини болалар ва ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, ютуқларимиз кўлами нечоғли кенг эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.*

# Оналик ва болалик муҳофазаси — давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Маълумки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ, болалар ва ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оналикни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Кенг кўламли ислоҳотлар айнан соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида олиб борилаётгани, айниқса, эътиборга молик.

Болалар — бизнинг келажагимиз, улар жамиятнинг пойдевори ҳисобланади. Ушбу пойдеворнинг мустаҳкам бўлиши ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадимизга бевосита боғлиқ. Шу маънода, бу йўналишда бошланган ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жорий йилнинг "Соғлом бола йили", деб эълон қилиниши ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини яхшилаш масаласи устувор вазифа сифатида эътиборда турибди. Шунингдек, қонунчиликка кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланаётганларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор изчил ва амалий ишлар рўёбга чиқарилаяпти. Муҳим бир жиҳат: давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, соҳа қонунчилиги такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат ота-оналарга, айниқса, оналарга қўшимча имкониятларни яратиб берди. Эндиликда аёллар оиладан ажралмаган, фарзандлар тарбияси билан қатъий шуғулланган ҳолда меҳнат қилишлари мумкин.

Навқирон авлоднинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишида нафақат таълим-тарбия, балки аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу маънода, ушбу йўналишга сарфланаётган маблағ мустақиллик йилларида беш баравар ўсди. Ҳар йили Давлат бюджетининг 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, аҳоли, хусусан, болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Бу анъана жорий йилда сақланиб, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида изчил амалга оширилмоқда. Фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан етук улғайишларида болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Шу боис спорт комплекслари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам барпо қилиниб, улар замонавий спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланмоқда. Мустақиллик йилларида болаларимиз учун 1500 дан зиёд замонавий спорт объектлари қурилгани ҳам ана шундан далолатдир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий моделимиз жаҳон эътирофига сазовор бўлди. Ўзбекистон ёш авлод саломатлиги йўлида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига кирди. Бу ушбу соҳада босқичма-босқич олиб борилаётган изланишлар натижаси, десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, ҳомиладорлар ва туғадиган аёлларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда, ҳудудларда замонавий перинатал марказлари барпо этилмоқда, қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар поливитамин комплекслари билан тўлиқ таъминланмоқда. Натижада 2000 йилдагига нисбатан туғма нуқсон (аномалия) билан туғилиш 1,8 баробар камайди. Болалар ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари, зотилжам, бронхит, сколиоз билан касалланиш даражаси пасайди.

Бугун оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи тизимли характерга эга эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу вазифани давлат ва жамият аҳамияти даражасига кўтариш, шубҳасиз, истиқболда бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Бу "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган асосий масалалар қаторига киритилган бўлиб, унда ушбу йўналишда янги дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги қарори билан 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур Дастур юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, махсус ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган. Айни чоғда аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда қатнашишга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш, унинг мониторингини йўлга қўйиш ва баҳолаш кўзда тутилган.

Дастур ўз доирасида 40 та лойиҳани қамраб олган. Улардан бири — ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, болаларни эмлаш кўламини кенгайтириш, янги касалхоналар қуриш ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга қаратилган. Дастур ижросига 205,3 млрд. сўм ҳамда 206,4 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши мўлжалланган.

Таъкидлаш керакки, дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Масалан, ҳар ойда фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги ёки ҳар йили чекка ҳудудлардаги аҳоли "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, дастурга кўра, турмуш қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини яхшилаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини, туғма ва ирсий касалликлар билан туғилиш ҳамда яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича мақсадли тарғибот ишлари олиб борилади. Ҳомиладор аёлларга ва гўдакларга перинатал ёрдамларни кўрсатишни такомиллаштириш асносида Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида неонатал хирургия бўлимлари ташкил қилиниб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади. 11 перинатал маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг 4 та минтақавий филиали ҳам замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланади.

Мухтасар айтганда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, бутун жамиятда соғлом ва баркарор муҳитни қарор топтиришга, пировардида юртимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# «Ўзбек модели»нинг юксак самаралари

## мамлакатимиз тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканлигини таъкидлаб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратди.

Конституциямизнинг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" дея белгилаб қўйилди. Ана шу ҳуқуқни амалда тўла таъминлаш, бунинг учун тиббиётимизни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Натижада мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилди. Соҳада илғор шакл ва услублар амалиётга жорий этилди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари иш бошлади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг марказларининг кенг тармоғи йўлга қўйилди. Туғуруқ муассасаларининг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Қолаверса, шифокорлар ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди.

Татбиқ этилган чора-тадбирлар қисқа вақт ичида ўзини тўла оқлади ва давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, тиббиётимизда ислоҳотларнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтилди. Ушбу ҳужжат асосида педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология ҳамда эндокринология соҳаларини қамраб олган яна олтита ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказi ташкил қилинди. Шу тариқа Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, баъзи мамлакатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда муайян қийинчиликларга дуч келади. Юртимизда яратилган миллий моделнинг алоҳида ажралиб турадиган тарафларидан бири шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Бу "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун" деган эзгу тамойилнинг ҳаётий ифодасидир.

### Хорижга боришга ҳожат йўқ

Яқин-яқингача "Урология йўналишида энг мураккаб касалликларни ҳам самарали даволай олиш имкониятига эга давлатлар қайси?" деган савол ўртага ташланса, бу борада Германия, Италия ва АҚШ етакчи сифатида тилга олинарди. Бизга алоҳида фахр бағишлайдиган жиҳати, бугун улар қаторида Ўзбекистон номи ҳам ҳақли равишда эътироф этилаяпти. Сабаби, илғор мамлакатлар тиббиётида жорий қилинган даволашнинг деярли барча замонавий усуллари эндиликда ўзимизда ҳам мавжуд.

— Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қаратаётган юксак эътибори туфайли мана шундай даражага кўтарилдик, — дейди Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Фарҳод Оқилов. — Хусусан, юртимизда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятининг йўлга қўйилгани тизимга замонавий технологияларни татбиқ қилиш, тиббий хизмат кўламини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини оширишга мустаҳкам замин яратди. Марказимиз 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, урология масалалари бўйича республикада етакчи, энг юқори даражадаги диагностика-даволаш ёрдами кўрсатувчи, юксак малакали мутахассислар тайёрловчи муассаса ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатимиз миқёсида ушбу хизматнинг истиқболли ривожланиш стратегиясини ҳам белгилаб беради.

Марказимиз Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология кафедраларининг ўқув-клиник базаси сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Урганч шаҳрида энг замонавий ташхислаш ва даволаш имкониятларига эга филиалимиз бор. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида урология бўлимлари ташкил этилган бўлиб, бу юртимизда ушбу йўналишда мукаммал тизим яратилганлигидан далолат беради.

Марказнинг яна бир муҳим вазифаси, бу — малакали кадрлар тайёрлаш. Бизда ёш мутахассислар учун урология мактабини шакллантиришга эришилди.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишлари буйрак-тош касалликлари, сийдик йўли инфекцияси, простата безининг хавфсиз гиперплазияси, эркаклар жинсий фаолиятининг бузилиши, уроонкологик хасталиклар, урологик аъзолар туғма нуқсонларининг замонавий ташхиси, даволаш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, ушбу жараёнда "Siemens", "Dantek", "K. Storz", "Wolf", "Hospitex" каби дунёга машҳур компанияларнинг энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналари ва жиҳозларидан кенг фойдаланилмоқда.

Айтиб ўтиш жоиз, мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари орасида биринчи бўлиб бизда маълумотларни компьютер тармоғи орқали юритиш тизими жорий этилган. Яъни марказдаги 80 дан ортиқ компьютер ягона тармоққа бирлаштирилган бўлиб, даволанаётган беморларнинг "касаллик тарихи" электрон шаклда юритилади ва электрон архивда сақланади. Бу ҳам фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Имкониятларимиз йилдан-йилга яхшиланаётгани боис хизмат кўрсатиш қамровимиз ҳам кенгайиб, сифат кўрсаткичлари ортиб бораяпти. Масалан, 2003 йилда биз қарийб 5000 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатган эдик. Ўтган йили бу рақам 28 минг нафардан ортиб кетди. 8 мингдан зиёд операция амалга оширилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан зиёди бугунги кундаги энг замонавий, юқори технологик усуллар асосида бажарилди.

Урология йўналишидаги ютуқларимизни бир қанча мисоллар асосида изоҳлаш мумкин. Айтайлик, бундан 15-20 йил олдин беморнинг сийдик йўлида ёки буйрагида тош бор, деган ташхис қўйилса, унинг ҳажмидан қатъи назар, даволаш чораси битта эди — фақат тиғ теккизиш йўли билан операция қилиш. Бугунги кунда ривожланган давлатларда бундай хасталикка чалинганларнинг 80 фоизидан ортиғи беозор, яъни эндоскопик усул билан даволанади. Ўтган йилги натижаларимизни таҳлил қилсак, биз буйрак-тош касаллигига йўлиққан беморларнинг 88 фоизида кам жароҳат етказиш усулини қўлладик. Бу, албатта, жаҳондаги энг илғор мамлакатларда эришилган кўрсаткичларга тенг.

Фақат буйрак-тош касаллиги эмас, илгарилари простата бези аденомаси хасталиги ҳам юз фоиз тиғ орқали операция қилинарди.

> **ТАҲРИРИЯТГА ЙЎЛЛАНГАН МАКТУБДАН:**
>
> *— Қовуғимдаги тошлар туфайли беш йил давомида азоб чекиб юрдим. Ниҳоят, Республика ихтисослаштирилган урология маркази мутахассисларига учрашдим. Бу ерда лазер нури ёрдамида жарроҳлик амалиёти ўтказиб, мени дарддан бутунлай фориғ қилишди. Ишонасизми, ҳаёт кўзимга бошқача бўлиб кўриниб кетди. Ўзимни гўё қайтадан туғилгандек ҳис этдим. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ.*
>
> *Президентимиз ташаббуси билан юртимизда мана шундай ажойиб шифохоналар ташкил этилгани эл саломатлигини асраб-авайлашга қаратилаётган юксак эътибор ифодасидир. Ширинсўз, ўз ишининг устаси бўлган шифокорларимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Қўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин.*
>
> **Омон БУРҲОНОВ.**
> Миришкор тумани, Янги Миришкор қишлоғи.

Бугун 70-80 фоиз ҳолатда беморлар дори-дармон ёрдамида даволанаяпти. Айни пайтда халқаро миқёсда шу чора амалда кенг татбиқ этилаётир. Қолган ҳолатларда ҳам операция касалга кам жароҳат етказувчи эндоскопик усулда бажарилади.

Гап тиғсиз даволаш ҳақида кетганда, бир қизиқ воқеа ёдга тушади. Биз 2007 йилда Европа урологлари ассоциацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шу асосда ҳар икки йилда бир марта юртимизда Европа урологлари мактаби ўтказиб турилади. Унга дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар ташриф буюриб, урология соҳасидаги касалликларни даволашнинг энг илғор услубларини намойиш этиб беришади. Мана шундай мактабнинг дастлабкисида биз ўзимиз даволаган бир беморнинг касаллик варақалари, рентген натижаларини хорижликларга кўрсатдик. У иккита буйрагида тоши борлигидан шикоят қилиб келган 35 ёшли эркакнинг тиббий хулосалари эди. Ҳеч қандай тиғсиз, уч ой деганда у дарддан бутунлай фориғ бўлганди. Эришган натижамиз билан яқиндан танишган Европадаги машҳур шифокор Питер Алкен ҳайратини яшира олмай: "Аслида сизлар биздан эмас, биз сизлардан ўрганишимиз керак экан", деганди.

Орадан муайян вақт ўтиб, Европа урологлари ассоциациясининг конференциясида иштирок этиш учун "кўҳна қитъа"га бордик. Ана ўша ерда Питер Алкен бизни бир қанча етакчи тиббий муассасалар раҳбарлари билан таништирди. Улардан бири, Германиянинг Брауншвейг шаҳридаги университет клиникаси урология департаменти раҳбари, таниқли профессор Питер Хаммерер менга шундай деб қолди: "Алкен бизга Ўзбекистонда урология соҳасида эришилган ютуқларни бир қанча мисоллар билан шундай таърифлаб бердики, ҳайрон қолдик. Очиғини айтаман, бизда бундай тажриба йўқ. Агар рухсат берсангиз, иккита врачимиз юртингизга бориб, икки ҳафта тажриба орттириб қайтса". Уларнинг илтимосини бажонидил қабул қилдик. Эътибор беринг, тиббиётда ном қозонган Германиядек давлатдан иккита мутахассис келиб, билмаганларини бизнинг шифокорлардан ўрганиб кетди. Мана сизга, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ютуқларининг дунё миқёсида тан олиниши. Айтинг, мустақиллик бўлмаганида, Президентимиз тиббиёт равнақига эътибор қаратмаганларида шундай марраларга етишимиз мумкинмиди? Асло йўқ.

*— Операциялар хусусида сўз очдингиз. Урология соҳасида ҳозирги кунда жуда ноёб саналган ва бизнинг мутахассисларимиз ўзлаштириб, амалда татбиқ этаётган операциялардан бирортасини мисол сифатида келтирсангиз. Бу ҳаммамиз учун қизиқ, — сўраймиз суҳбатдошимиздан.*

— Масалан, эркакларда сийдик йўлининг торайиши ёки беркилиб қолиши касаллиги. Бу ҳозир бутун дунёда муаммо. Ушбу турдаги хасталикни пластик операция усули билан даволаш амалиёти мавжуд. Бунда лаб ёки оғиз бўшлиғидаги лунжнинг шиллиқ пардаси олиниб, шу асосда сийдик канали тикланади. Тасаввур қилишингиз учун бир мисол келтираман. Биласиз, юрак қон томири фаолиятини тиклашда беморнинг оёқларидаги вена томиридан фойдаланилади, аниқроғи, у кўчириб ўтказилади. Бундай операцияни кўпчилик эшитган. Биз юқорида айтган амалиёт ҳам шунга ўхшаб кетади. Яъни лаб ёхуд лунжнинг шиллиқ пардасидан сийдик каналини тиклашда фойдаланилади. Мазкур янгилик Италияда жорий қилинган. Агар операция муваффақиятли амалга ошса, бемор дарддан бутунлай фориғ бўлади. Лекин бу усулни ҳамма мамлакатлар ҳам ўзида татбиқ эта олмаган. Шу боис бундай хасталикка чалинганларни одатда жуда кўп давлатлар клиникалари "Қўлимиздан келмайди" деб даволашдан бош тортишади. Ана шундай ноилож шароитдаги касаллар шифо истаб, асосан, Италия ёки Германияга боришади. Бизнинг врачларимиз бундан икки йил муқаддам Италияда бўлиб, мазкур технологияни ўзлаштириб келишди. Мана, ўшандан буён сийдик йўли торайиши ёки беркилиб қолиши билан оғриган беморларни ўзимиз даволаяпмиз. Жумладан, ўтган йили 60 га яқин шундай операция бажардик.

Шулардан келиб чиқиб, тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, урологик касалликка чалинганлар учун энди Ўзбекистондан четга чиқиб, даво излашга умуман ҳожат йўқ. Бу борада ўзимизда барча имкониятлар етарли.



### Хулоса ўрнида

Президентимиз Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида аждодларимиз салоҳияти, улар қолдирган бебаҳо мерос ҳақида жуда кенг қамровли маълумотларни тақдим этди. Ўз навбатида, яна бир фикрни алоҳида билдириб ўтди: "Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак", деб айтаман. Айни вақтда "Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!" деб такрорлайман".

Бу эзгу даъват мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, ҳаётга катта куч билан кириб келаётган, билимли, шижоатли, иқтидорли ўғил-қизларимизни янги марралар сари чорлаши аниқ. Натижада Ўзбекистон барча соҳалар қатори, биз сўз юритган тиббиёт тизимида ҳам дунё аҳлига намуна бўла оладиган яна кўпдан-кўп муваффақиятларни қўлга киритади.

Бунга ишончимиз комил.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Фурқат САНАЕВ.**

*Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни юзага келтириш, унинг қон томири бўлмиш эркин молия-банк тизимини шакллантириш энг муҳим, шу билан бирга, энг мураккаб вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу жараёнда, Президентимиз таъбири билан айтганда, "биринчи навбатда, иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш — янги жамият қуришнинг энг муҳим шарти"ни бажаришимиз лозим эди. Чунки бусиз демократик бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкин эмас эди.*

*Шу боис ушбу ўта масъулиятли вазифа ижросига жиддий киришилди ва тарихан қисқа муддатда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, халқаро миқёсда "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган тамойиллар асосида иқтисодий тараққиётни таъминлашга амалда эришилди.*

*Таъкидлаш керакки, қўлга киритилган ютуқларда юртимизда икки поғонали банк тизими йўлга қўйилиб, республика Марказий банки томонидан мазкур тизимни бир маромда бошқариш стратегияси пухта ишлаб чиқилганлиги молия муассасаларининг барқарор фаолият юритиши учун улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Натижада улар иқтисодий ислоҳотларнинг таянчи ва мададкорига айланди.*

## Ўзбекистон банк тизими:

# Иқтисодий ривожланишнинг муҳим таянчи

Айтиш жоизки, истиқлолимизнинг илк давридан бошлаб Ўзбекистонда молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бевосита давлатимиз раҳбари раҳнамолигида банкларнинг республика пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўрилгани бугун ўз самарасини бермоқда.

Бунда, табиийки, ушбу тизимни оқилона бошқариб келаётган Марказий банкнинг ўз ўрни бор. Айниқса, сўнгги 5 йил ичида бу тизим ўзининг иш фаолиятини тубдан ўзгартирганини эътироф этиш керак. Аввало, Марказий банкнинг мутасадди ходимлари идорада ўтириб эмас, жойларга чиқиб, халқ орасига кириб, аҳоли билан юзма-юз учрашган ҳолда, очиқ мулоқотлар ва давра суҳбатлари ўтказмоқдалар.

Мазкур тадбирлар асносида улар давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ривожлантиришга доир фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил тушунтиришлар беришаяпти, меҳнат ярмаркалари ташкил этиб, коллежларни битирган ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида керакли дастгоҳларни тақдим қилаяптилар. Пировардида эса минглаб ёшларимиз ўз бизнесига, ўз маблағига эга бўлиб, тадбиркор сифатида юртимиз иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Буларни эслашдан мурод шуки, 2008 йилда бошланган жаҳон глобал иқтисодий инқирози кўплаб хорижий давлатларга катта зиён етказгани, минглаб одамлар ишсиз қолгани ҳеч кимга сир эмас. Натижада инқироз оқибатларидан қутулиш учун Буюк Британия 1 триллион, АҚШ 3,5 триллион, Германия 893 миллиард, Россия 222 миллиард, Хитой 570 миллиард АҚШ доллари сарфлаган бўлса, ташқи қарз сиёсатининг нотўғри амалга оширилиши туфайли Греция, Испания, Италия, Ирландия ва Португалия сингари мамлакатларда бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар ҳали-ҳануз кўзга ташланмоқда.

Юртимизда эса Президентимиз томонидан оқилона сиёсат олиб борилгани, узоқни кўзлаб иш юритилгани, хусусан, Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминлангани нафақат давлатимизни бало-қазодан асраб қолди, балки халқимизнинг тинч, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиришига имкон яратди.

Гап шундаки, банкларимиз томонидан айнан 2008 — 2013 йилларда 22 трлн. сўмликдан зиёд кредит маблағлари тадбиркорлар ва ёшларга, 23 трлн. сўмлик сармоялар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга, минглаб юртдошларимиз учун янги иш ўринлари ташкил этишга ажратилди.

Аҳамиятли жиҳати шуки, ана шу кредитлар ташқи қарзга таянмасдан, ички манбаларни жалб этиш ҳисобидан берилди. Бу, албатта, молия муассасаларимизнинг "Банк мижоз учун, халқимиз учун" тамойилига тўла амал қилиб фаолият юритаётганининг ёрқин ифодасидир. Хорижнинг нуфузли рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими томонидан олиб борилаётган ишларга юқори ва ҳаққоний баҳо бериб келаётганининг боиси шунда.

Қолаверса, Марказий банк томонидан узоқни кўзлаб юритаётган фоиз сиёсати ҳам диққатга сазовор. Айниқса, қайта молиялаш ставкасини камайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тадбиркорларимизга ўз бизнесларини йўлга қўйишда қулай шарт-шароитлар яратди, десак, муболаға бўлмайди. 1996 йилнинг бошида бу кўрсаткич 84 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 январидан қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилгани бунинг тасдиғидир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида эса, қайта молиялаш ставкаси нисбатан паст бўлишига қарамасдан, кредит қўйилмаларининг ўсиши 3-10 фоиз оралиғида ўзгариб турибди. Ўзбекистонда-чи? Мазкур кўрсаткич сўнгги 10 йил ичида ўртача 30 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар Ўзбекистонда қайта молиялаш ставкасининг иқтисодиётни кредитлашнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун мақбул даражада эканлигидан далолатдир. Шунинг учун ҳам, тадбиркорларимиз банклардан ҳеч бир қийинчиликсиз кредитлар олиб, юқори натижаларга эришмоқда. Шу ўринда мисол тариқасида Фарғона вилоятида бу борада амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтсак. Хусусан, вилоятда тижорат банклари томонидан кичик бизнесни кредитлаш ҳажми сўнгги 10 йил ичида қарийб 23,6 баробар ўсди, ўнлаб янги хизмат турлари жорий этилди. Биргина "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2013 йилда 20,9 млрд. сўмликни ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур кўрсаткич 12,6 млрд. сўмликка етказилди.

Миллий банкнинг вилоят бошқармаси эса асосий эътиборни давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури ижросига қаратмоқда. Мисол учун, Қувасой шаҳрида жойлашган "North south textile" масъулияти чекланган жамиятида шу банк томонидан ажратилган 600 млн. сўмлик кредит эвазига ўтган давр мобайнида 384 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 200 млн. сўмлиги ички бозорда сотилди, 80 минг АҚШ долларилик қисми эса экспорт қилинди.

Мазкур банкнинг Бувайда филиали томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун "Нурафшон зиё текс" хусусий корхонасига 50 млн. сўмлик кредит берилган эди. Бунинг самараси ўлароқ, 5 та иш ўрни яратилиб, 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга чиқарилди.

Шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари бошқармалари ва филиаллари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар ташкил этишга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаларида кредитлар йўналтирилаётганлиги ҳам қишлоқ аҳолиси учун айни муддао бўлмоқда. Ушбу мақсадлар учун 2012 йилда 8,6 млрд. сўмлик, 2013 йилда 14,4 млрд. сўм миқдорида, шу йилнинг биринчи ярмида эса 10 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани бунга мисол бўла олади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли асосларда молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам тижорат банкларининг диққат-эътиборида. *Айтайлик, кейинги 3 йил давомида мазкур йўналишга берилган кредитлар ҳажми қарийб 5,5 баравар ўсиб, фақат 2013 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 19 млрд. сўмликка етди.*

Мухтасар айтганда, Фарғона вилоятидаги тижорат банкларининг филиаллари томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорлар, фермерлар ва ёшларнинг бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришда қўл келмоқда. Бу эса юзлаб янги саноат корхоналарини ишга тушириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, янги иш ўринларини яратиш орқали юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Хулоса шуки, кейинги йилларда Ўзбекистонимизнинг молия-банк тизимида ўсиш ва барқарорлик кўзга яққол ташланаётир, унга мижозларнинг ишончи янада кучаймоқда. Бу, таъбир жоиз бўлса, мустақиллик шарофатидир. Истиқлолимиз абадий экан, у туфайли амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар эса бундан буён ҳам ўзининг юксак самараларини бераверади.

**Марказий банк материаллари асосида И. ЎТБОСАРОВ тайёрлади.**

### ЭЪТИРОФ

**Дилшод БОБОЖОНОВ, "Камалак шабнам текс" МЧЖ раҳбари:**

*— Корхонамиз "Ипотека-банк"нинг Бухоро вилояти филиали мижози ҳисобланади. Шу йилнинг бошида ушбу банкдан 400 млн. сўм миқдорида сармоя олган эдик. Бу маблағга пахта толасидан газлама ишлаб чиқариш ускуналари ва хом ашё харид қилинди. Ҳозирги кунга қадар эса корхонамизда 1 млрд. 200 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Бундан ҳам муҳимроғи, банкнинг мадади билан ўн икки кишининг хонадонига барака кирди.*

*Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бу борада ҳам "Ипотека-банк"нинг молиявий кўмагига суянамиз. Чунки ҳамкоримиздан кўнглимиз тўқ.*

**Ван СЯШОУ, Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг ижрочи вице-президенти (Хитой Халқ Республикаси):**

*— Хитой Ўзбекистонни буюк қўшни, қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга бўлган ва ўз олдига қўйган эзгу мақсадлар сари дадил бораётган мамлакат сифатида билади. Инвестициявий ҳамкорлигимиз эса икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Бунда, шубҳасиз, республикада яратилган қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити муҳим аҳамият касб этаяпти.*

*Юртингизда 455 тадан зиёд Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатаётганлиги, банкларингиз томонидан улар учун қулай шарт-шароитлар яратилгани фикримнинг исботидир. Биз бу ишончни қадрлаймиз ва ҳукуматимиз номидан республикангиз молия-банк тизими раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.*



# Биологик усул — ишончли ҳимоя

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аниқроғи, бугунги кунга қадар далаларга 8 марта трихограмма, 3 марта олтинкўз, 2 марта бракон чиқарилди. Бунда 11 килограмм трихограмма, 4,5 миллион дона бракон, 5 миллион дона олтинкўз каби биомаҳсулот етиштирилгани қўл келди.

Зарарли ҳашаротларга қарши курашишни мавсумий юмуш, деб ўйлаганлар қаттиқ адашадилар. Чунки бу жараён эрта баҳорда бошланиб, кузгача давом этади. Шу боис мавсум давомида мутахассислар ишга масъулият билан ёндашиб, далаларда назоратни кучайтириши, керак бўлса, шошилинч амалий чоралар кўриши зарур. Нега деганда, об-ҳаво иссиқ келганда, ўргимчаккана жонланади, салқин келганда эса кўсак қурти урчий бошлайди. Булар — ҳосилнинг офати. Айниқса, Амударё бўйларида жойлашган бизнинг туманимиз экин майдонларида намлик юқори бўлганлиги туфайли ҳашаротлар кўпайиши доимо хавф солиб туради.

Шулар инобатга олиниб, дала назоратчиларимиз ҳашарот белги бериши билан унга қарши чора-тадбирлар кўраётгани натижасида хавф тўлиқ бартараф қилинмоқда. Жамоамиз бундан кейин ҳам назоратни бир зум сусайтирмайди. Зотан, август ойида қилинган меҳнат мўл ҳосил гаровидир. Унинг ҳар бир кунини кўнгилдагидек ўтказиш, деҳқонларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига яратилаётган ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш бизнинг бурчимиздир.

**Шарифбой САФАРБОЕВ, Гурлан туманидаги «Шариф» биолабораторияси мудири.**

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 16 АВГУСТДАН 22 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ–4639-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 августдаги 55-сонли буйруғи.*

**2014 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2611 (2014 йил 25 августдан кучга кирди).**

2. «Хусусийлаштириш инвестиция фондлари томонидан махсус давлат кредитларини тўлаш тартиби ва шартларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2014 йил 13 августдаги 01/09-26/19, 57-сонли қарори.*

**2014 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 543-3 (2014 йил 25 августдан кучга кирди).**

3. «Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 9 августдаги 25/2-сонли қарори.*

**2014 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 957-2 (2014 йил 25 августдан кучга кирди).**

4. «Инвестиция фондининг намунавий эмиссия рисоласини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 15 августдаги 01/09-26/20, 58-сонли қарори.*

**2014 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 669-1 (2014 йил 25 августдан кучга кирди).**

5. «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 14 августдаги 01-268-сонли буйруғи.*

**2014 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2477-1 (2014 йил 25 августдан кучга кирди).**

6. «Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 6 августдаги 01-02/12-10, 30-сонли буйруғи.*

**2014 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1278-3 (2014 йил 25 августдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПФ–4582-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 2534, 2013 йил 6 декабрь). Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 18 августдаги 215-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Инвестиция фондининг намунавий эмиссия рисоласи» *(рўйхат рақами 669, 1999 йил 13 март). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 20 августдаги 218-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

# Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги — бош мақсад

*Шу кунларда юртимизда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида кенг кўламли амалий-ташкилий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.*

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Зеро, қарорда алоҳида таъкидланганидек, бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турган хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни давр тақозо этади.

Бу борада ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни алоҳида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан ҳам истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ тизимни изчил ислоҳ қилишга киришилди. Буни давлатимиз раҳбарининг 2001 йил март ойидаги Фармони билан Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари фаолиятини ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган ишлар рўёбга чиқарилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, Тергов, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, Ёнғин хавфсизлиги, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тубдан ислоҳ қилиниб, моддий-техник базаси жаҳон андозалари даражасида такомиллаштирилди. "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилиши натижасида аҳоли билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланди.

Шуларга мос равишда тизимни малакали кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинаётир. Ўтган даврда ИИВ тизимидаги олий ўқув юртлари — ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ташкил этилдики, ушбу муассасаларда тарбияланган малакали кадрлар бугун юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Тизимда олиб борилаётган бундай кенг кўламли янгиланишлар самараси ўлароқ, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар йилдан-йилга камайиб бораётгани халқимизни ҳаммасидан кўпроқ қувонтиради. Жиноятчиликка қарши кураш борасида жамоатчилик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида умумий жиноятчилик 1,3 фоиз, ўта оғир жиноятлар 7,2 фоиз, шу жумладан, вояга етмаганлар жиноятчилиги 5,9 фоиз, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар эса 3,8 фоиз камайишига эришилгани, албатта, ишимиздаги ижобий ўзгаришдан далолат.

Яна бир ҳаётий мисол. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 3 минг 712 та милиция таянч пунктининг аксариятида фан ва спорт тўгараклари, кичик бизнес шохобчалари, замонавий спорт майдончалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга шу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли, хусусан, ёшлар ва ўсмирлар кенг жалб қилинган. Бу амалда ўз самарасини бераётир. Ўтган йилда 2 минг 230 дан ортиқ маҳаллаларда биронта ҳам жиноят содир этилмагани шундан далолат, десак, муболаға эмас.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Бу борада умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, маҳаллалар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилгани айни муддао бўлмоқда. Пировардида охирги беш йил давомида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 14 фоиз камайишига эришилди.

2014 йил 15 май куни эълон қилинган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаради. Зеро, мазкур ҳужжат ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада эришаётган ютуқларимиз кўп. Бизни янада қувонтиргани, ушбу натижаларимиз халқаро мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги индексини эълон қилган "The World Justice Project" мустақил халқаро ташкилоти йиллик маърузасида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи 5 та давлат қаторидан ўрин олганлиги бунинг яққол далилидир.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Аниқ айтадиган бўлсак, Ички ишлар вазирлигининг Ҳайъат йиғилиши кун тартибида Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мобайнида хавфсизликни ва осойишталикни таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олиниб, шулар юзасидан чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Маълумки, 31 август куни "Шаҳидлар хотираси" мажмуасида қатағон қурбонлари хотираси ёд этилади, "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойига гулчамбар қўйилади, Мустақиллик умумхалқ байрамига бағишланган асосий байрам тадбири ўтказилади ва жаннатмонанд юртимизнинг истироҳат боғлари, хиёбон ва майдонларида халқ сайиллари уюштирилади, таълим муассасаларида "Билимлар куни" ҳамда 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларга "Президент совғаси"ни топшириш тантаналари бўлиб ўтади. Уларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида хавфсизлик ҳамда осойишталикни сақлаш ички ишлар органлари ходимларидан катта масъулият ва ҳушёрликни талаб этади.

Тинчлик ва осойишталик деб аталган улуғ неъматни асраб-авайлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки шу табаррук заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, маҳаллалар, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари, педагогик жамоалар, маҳалла посбонлари — кенг жамоатчилик саъй-ҳаракати, айниқса, бу борада жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, барчамизнинг эзгу мақсадимиз — юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш орқали Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини бундан-да оширишдан иборатдир.

**Илҳом ТУРҒУНОВ, Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник.**


ЭЪЛОН

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 5 августдаги 149 (6079)-сонида чоп этилган эълонда берилган, 2014 йил 5 сентябрь кунги савдога қўйилган, бошланғич баҳоси 247 280 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 133,6 кв.м., туражой майдони 83,9 кв.м.дан иборат бўлган 51-хонадон аукцион савдоларидан олинди.
**Асос:** Чилонзор тумани СИБнинг 2014 йил 4 августдаги 51043-44/2-сонли хати.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**Беруний кўчаси, 83-уй.**
**Телефон: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1325А/562

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02


Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси Олий мактаб бош шифокори Гулнора Сагдуллаевага волидаи муҳтарамаси

**НАЗИРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА













Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5